

САФАР НАМОЗИ ҲАҚИДА

05:00 / 04.01.2017 178559

ҚАСР НАМОЗИ ВА УНИНГ МАСОФАСИ

Аллоҳ таоло: «Қачонки Ер юзида сафар қилсангиз, сизларга намозни қаср қилишингизда гуноҳ йўқдир», деган (Нисо: 101).

Шарҳ: Ушбу ояти карима ила Аллоҳ таоло сафарда намозни қаср қилиб, тўрт ракъатли фарз намозларни икки ракъат қилиб, ўқишни шариатга киритган. Чунки сафарнинг ўзига яраша қийинчиликлари ва машаққатлари бўлади. Сафардаги кишиларга ўшаларни енгиллаштириш учун Аллоҳ таоло меҳрибонлик қилиб тўрт ракъатли намозларнинг ярмини қисқартириб енгиллик берган.

Бу Аллоҳ таолонинг дини Ислом осонлик дини эканини кўрсатади. Шу билан бир вақтда намознинг нақадар аҳамиятли ибодат эканини ҳам кўрсатади. Аллоҳ таоло сафарга алоҳида енгил намоз жорий қилиши шунга далил бўлмаса нимага далил бўлар эди.

Қуръони Каримда келган бу умумий ҳукмни ушбу фаслдаги ва шунга ўхшаш бошқа ҳадиси шарифлар муфассал баён қилади.

Яъло ибн Умайя розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Мен Умар ибн Хаттобга: «Сизларга намозни қаср қилишда гуноҳ йўқдир. Агар куфр келтирганлар сизга фитна қилишидан қўрқсангиз», дейилган. Батаҳқиқ, одамлар эмин бўлдилар?!» дедим.

«Мен ҳам сен ажабланган нарсадан ажабланиб, у ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўрадим. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бу Аллоҳ таоло сизга қилган бир садақадир. Бас, Унинг садақасини қабул қилинг», дедилар», деди».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Яъло ибн Умайя розияллоҳу анҳунинг саволларида Аллоҳ таоло ояти каримада мўминларга агар кофирларнинг фит-насидан қўрқсангиз, намозни қаср қилиб ўқинг, деган. Нима учун ҳозир қўрқинч, хавф бўлмаса ҳам сафарда намозни қаср ўқиймиз, деган маъно бор.

Бу саволга тутилган Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ҳам, бир вақтлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни худди шундай саволга тутган эканлар. Шунинг учун, у кишига Яъло ибн Умайя розияллоҳу анҳунинг саволига жавоб бериш қийин бўлмади. Саволга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам-нинг жавобларини такрорлаш билан жавоб бердилар:

«Бу Аллоҳ таоло сизга қилган бир садақадир. Бас, Унинг садақасини қабул қилинг».

Яъни, сафарда намозни қаср ўқишлик Аллоҳнинг мўмин-мусулмонларга қилган садақасидир. Аллоҳнинг садақасини хавф вақтида ҳам, омонлик вақтида ҳам қабул қилинглр.

Демак, бу ҳукм Аллоҳ томонидан бандаларга фазлу карам кўрсатилиб, худди садақадек, қўшимча ёрдам сифатида жорий қилган. Аслида қаср қилиш бўлмаса ҳам бўлаверар эди.

Шунинг учун ҳам Аллоҳнинг бу садақасини қабул қилиб са-фарда намоз қаср ўқилади.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Мадинадан Маккага чиқдик. У зот Мадинага қайтгунимизча икки ракъ-атдан намоз ўқиган эдилар», деди. Мен: «Маккада бир муддат турган эдингларми?» дедим.

«Ўн кун турган эдик», деди у». Бешовлари ривоят қилган.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Сафарда ўз ватанидан чиққанидан бошлаб унга қайтиб келгунча намозни қаср ўқиш кераклиги.
2. Бир жойга бориб ўн кун турса ҳам намозни қаср қилиб ўқиш керак.

3. Бир киши яшаётган жойидан, ўзининг эски ватанига борса ҳам намозни қаср ўқиши. Чунки Маккаи Мукаррама Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ва У зот билан бирга ўша сафарда бирга борган муҳожир саҳобалар учун эски ватан саналар эди.

4. Намозни қаср қилганда икки ракъат ўқилиши.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўн тўққиз кун намозни қаср қилиб ўқиб турганлар. Бас, биз қачон ўн тўққиз кунлик сафар қилсак, қаср намоз ўқиймиз. Ундан зиёда қилсак намозни тўла қилиб ўқиймиз», дедилар». Бухорий, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Термизийнинг лафзида: «Биз билан орамизда ўн тўққиз кун бўлса, намозни икки ракъат, икки ракъат ўқиймиз. Қачон ундан кўпроқ турсак, тўрт ракъат ўқиймиз», дейилган.

Шарҳ: Гарчи бу ҳадис машҳур муҳаддислар томонидан ривоят қилинган бўлса-да, унга фикҳий мазҳаблар амал учун қабул қилмаганлар. Чунки бу ҳадиси шариф изтиробли ҳадисдир. Яъни, турли ривоятларда турлича бўлиб, изтиробга тушиб қолган, сокинлиги йўқ ҳадисдир. Бу ривоятда ўн тўққиз кун дейилгани билан бошқа бирида, ўн саккиз кун, учинчисида эса етти кун, дейилган.

Моликий ва Шофеъий мазҳабларида, бир киши бир ерда тўрт кун қолмоқчи бўлса намозни тўла ўқийди. Ундан оз бўлса қаср қилиб ўқийди, дейдилар.

Ҳанбалий мазҳабида эса ким тўрт кундан ортиқ, бошқача қилиб айтганда йигирма вақт намоз муддатидан кўп турмоқни ният қилса намозни тўлиқ ўқийди. Ундан оз бўлса, қаср ўқийди, дейилган.

Ҳанафий мазҳабида эса бир киши бошқа бир жойда ўн беш кун ва ундан ортиқ турмоқни ният қилса намозни тўлиқ ўқийди, ундан оз турмоқни ният қилса қаср ўқийди.

Ҳанафий мазҳаби бу ҳукми буюк саҳобийлар Ибн Аббос ва Ибн Умар розияллоҳу анҳумлардан қилинган қуйидаги ривоятни далил қилиб олганлар:

«Мусофир ўлароқ бир юртга кирсанг ва бу юртда ўн беш кун қолишни ният қилсанг, намозни тўла ўқи. Агар бу ердан қачон сафарга чиқишингни

билмасанг, намозни қаср ўқи».

Шунинг учун ҳар ким ўз мазҳабига амал қилса, яхши бўлади. Бу масалалар ҳар-бир мазҳабнинг фикҳ китобларида мукамал ва муфассал баён қилинган.

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Минода икки ракъат намоз ўқидим. Абу Бакр ва Умар билан ҳам. Шунингдек, Усмоннинг амирлиги бошида ҳам, кейинроқ у тўлиқ ўқиди». Икки шайх ва Насий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Мино Маккаи Мукаррама яқинидаги машҳур жой бўлиб, у ерда ҳожилар тарвия – Арофотдан бир кун аввалги кун ва Ҳайит ҳамда тош отиш кунлари муқим бўладилар. У ерда шайтонга тош отадиган жойлар ва «Хайф» масжиди бор.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумонинг айтишларича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам, у зотдан кейин ҳазрати Абу Бакр ва ҳазрати Умарлар ҳам умрларининг охирла-ригача Минодаги намозни қаср ўқиганлар. Ҳазрати Усмон эса ха-лифаликлари бошида қаср ўқиб, кейинроқ тўлиқ ўқиганлар.

Ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳунинг бу ишлари баъзи бир норозиликларга сабаб бўлган. Ўшанда у киши бунга изоҳ бериб, мен бу сана Маккадан уйланган эдим, шунинг учун муқим бўлдим, деб ўйлаб намозни тўлиқ ўқидим, деганлар.

Ушбуларни эътиборга олганда Минода намозни қаср ўқиш масаласига ҳазрати Усмон ўзгартириш киритганлар, деб бўлмайди. Балки, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг суннатла-рида қандай собит бўлса, шундоқ бардавомдир.

Ибн Умар ва Ибн Аббос розияллоҳу анҳумлар тўрт барид - ўн олти фарсахда (намозни) қаср қилиб ўқир ва оғзини очар эдилар». Бухорий ривоят қилган.

Шарҳ: Барид масофа бирлиги бўлиб, бир барид масофа тўрт фарсахга, ҳадисда келган тўрт барид эса ўн олти фарсахга тўғри келади. Бир фарсах 5544 метр, тўрт фарсах эса 22176 метр бўлади. Тўрт барид эса 88704 метр бўлади.

Барид луғатда, почта маъносини билдиради. Илгари вақтда Ислом ўлкаларида почта ишлари от ила юриб амалга оширилган. Шаҳарлар орасидаги почтахоналар маълум масофага қурилган. Бир барид билан иккинчисининг ораси тўрт фарсах, яъни, 22176 метр бўлган. Ҳар почтахона – баридда ходимлар отларини боқиб, шай бўлиб турганлар, аввалги бариднинг ходимлари узоқдан кўриниши билан йўлга тайёр бўлиб отни миниб турганлар. Улар келиб почтани топшириши билан от чоптириб олға босганлар. Биринчи почтахона билан иккинчи почтахона ораси километр деб эмас, ўша вақтнинг таомилига кўра «барид» деб айтилган.

Ушбу биз ўрганаётган ривоятга кўра тўрт барид, яъни, 88 км 704 метр жойга сафар қилган одам мусофир ҳисобланган. Ҳанафий мазҳаби ўлчовига кўра 96 км масофа – сафар масофаси ҳисобланган.

Ушбу ҳадисда ва бошқаларида ҳам намозни қаср ўқишни машруъ қиладиган сафарни белгилашда босиб ўтиладиган масофа зикр қилиниши мулоҳаза этилади.

Лекин намозни қаср қилиб ўқишга оид барча оят ва ҳадисларни тўлиқ, чуқур ва атрофлича ўрганиб чиққан уламола-римиз, мусофирлик ва унда намозни қаср қилиб ўқиш учун масо-фани эмас, муддатни белги - ўлчов қилиб олганлар. Юриш тезли-гини ва бошқа шартларни ҳам эътиборга олганлар.

Ана шу эътиборлардан Ҳанафий мазҳабида:

«Мусофир одатда, сафарга отланиб, ўртача юриш ила уч кунлик йўл юришни ният қилиб, ўз турар жойидан ажраб чиққан кишидир».

Бошқа мазҳабларда эса икки кунлик йўл эътиборга олинган.

Ушбу сафарда кундузи йўл юриб, кечаси дам олиш эътиборга олинган. Ҳолибо ўша вақтларда мазкур вақтда тўрт барид масофа юрилган бўлса керак.

Шунинг учун ҳам бугунги кунимиздаги уламоларимиз на-мозни қаср ўқиш масаласида икки хил гап айтадилар.

Масофани эътиборга олганлар 88 км. ёки 96 км.га сафар қилган одам намозни қаср ўқийверади, дейдилар.

Баъзи бир уламоларимиз эса мазкур масофага бориш бугунги кунда намозни қаср қиладиган сафарга ўхшамай қолди. Балки, бундан бир неча

баробар узоқ масофага бориб келиш ҳам осон бўлиб қолди. Шунинг учун сафарни эътиборга олишда масофа узунлиги эмас, вақтни эътиборга олсак яхши бўлади. Бир киши одатда мусофир қиладиган ишларни; ниятни қилиб, керакли нар-саларни олиб, аҳли-аёли билан хайрлашиб, тунашга уйига қайтиб кела олмайдиган даражада сафарга чиқса, ҳақиқий мусофир ҳисобланади, дейдилар.

Бизнинг фикримизча ҳам ушбу иккинчи йўл рожиҳ ҳисобланади.

Яҳъё ибн Язид ал-Ҳуноний розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан намозни қаср қилиш ҳақида сўрадим. Бас, у киши: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон уч миллик ёки уч фарсахлик йўлга чиқсалар, намозни икки рақъат ўқир эдилар», деди». Муслим, Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилган.

Шарҳ: Ҳадиснинг ровийси Яҳъё ибн Язид ал-Ҳуноний розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олайлик.

Яҳъё ибн Язид ал-Ҳуноний розияллоҳу анҳу улуғ тобеъин-лардан бўлиб, ҳадисларни Анас ибн Молик, Фарзадақ ва бошқа кишилардан ривоят қилдилар.

Бу кишидан Муҳаммад ибн Динор, Халф ибн Халифа, Утба ибн аз-Зобий, Шўъба ва бошқалар ривоят қилишди.

Бир мил 1848 метр бўлиб, уч мил бир фарсахни, яъни 5544 метрни ташкил қилади.

Ушбу ривоятда ровий шакка тушиб уч мил, дейилдими ёки уч фарсах, дейилдими аниқлай олмай қолиб икковини ҳам айтган.

Қоида бўйича бундоқ пайтларда эҳтиёт томони қабул қилинади. Яъни, бу суратда уч фарсах қабул қилинади. Чунки уч мил ҳам, уч фарсах ичига киради. Аммо уч мил олинса-ю, аслида фарсах дейилган бўлса, шаръий амалда камчиликка йўл қўйилган бўлади. Яъни, намозни қаср ўқиш шарт бўлмаганда, қаср ўқилган бўлади.

Бунинг устига бошқа ривоятлар ҳам уч эмас, балки тўрт фарсахда намоз қаср ўқилиши таъкидламоқда. Албатта, ривоятлар-нинг бирида, уч, иккинчисида тўрт дейилиши ва шунга ўхшаш хилма-хилликлар узрлидир. Чунки ўша вақтларда аниқ ўлчов ас-боблари бўлмаган, ҳамма ўз тахминига

қараб айтган.

Хўш, шаръий сафарни ният қилиб чиққан одам қачондан бошлаб намозни қаср ўқий бошлайди?

Бу саволга уламоларимиз, ўз турар жойининг чегарасидан чиққандан бошлаб деганлар. Яъни, шаҳар ёки қишлоқнинг чети-даги девордан ёки кўприкдан узоқлашгандан бошлаб, дейишган.

Намозни қаср ўқишга оид бошқа саволларга фиқҳ китобла-римиздан жавоб топиш мумкин.

НАМОЗНИ ЖАМ ҚИЛИБ ЎҚИШ

Бунда Пешин ва Аср ҳамда Шом ва Хуфтон намозларини қўшиб биринкетин бир вақтда ўқиш кўзда тутилган.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафар устида бўлсалар, Пешин ва Аср ҳамда Шом ва Хуфтон намозларини жам қилар эдилар». Бухорий ва Муслим ривоят қилган. Муслим лафзида: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон сафарда шошилиб турсалар, Пешинни Аср вақтига кечиктириб, сўнгра иккисини жам қилиб ўқир эдилар. Шунингдек, Шомни кечиктириб у билан Хуфтонни жам қилиб ўқир эдилар», дейилган.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифдан кўриниб турибдики, намозни жам қилиш сафарда шошилиб тургандагина ўқилган.

Шунингдек, Пешинни охириги вақтига етиб бориб ўқиб, уни ўқиб бўлиши билан вақти кирган Аср ҳам ўқиб олинган.

Шунингдек, Шом ҳам охириги вақтига бориб ўқилиб, ундан кейин Хуфтон энг аввалги вақтида ўқилган.

Намозларни бундоқ қилиб ўқишни Ҳанафий мазҳаби уламо-лари «Жами суврий» яъни, «Сувратдаги жам», дейдилар.

Бунга биноан Пешин ва Шом намозлари охирги, Аср ва Хуфтон намозлари олдинги вақтда ўқилган бўлади. Чунки Пе-шиннинг вақти чиқиши билан Асрнинг, Шомнинг вақти чиқиши билан Хуфтоннинг вақти киради.

Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Табук ғазотида қуёш оққандан сўнг йўлга тушсалар, Пешин ва Асрни жам қилиб ўқирдилар. Агар қуёш оққандан олдин йўлга тушсалар, Пешинни таъхир қилиб, Асрга қўшиб ўқир эдилар. Шомни ҳам шунга ўхшатар эдилар. Йўлга чиқишларидан олдин қуёш ботиб қолса, Шом билан Хуфтонни жам қилиб ўқир эдилар. Агар қуёш ботишидан олдин йўлга тушган бўлсалар, Шомни таъхир қилиб, Хуфтонга қўшиб ўқир эдилар». Абу Довуд, Аҳмад ва Термизий ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда эса Пешин ва Асрни Пешин вақтида қўшиб, шунингдек, Шом ва Хуфтон намозини Шом вақтида жам қилиб ўқилгани кўриниб турибди.

Ҳанафий мазҳабидан бошқа мазҳаблар ушбу ва бошқа шунга ўхшаш ҳадисларни далил қилиб, Пешин ва Аср, ҳамда Шом ва Хуфтон намозларини сафарда Жам қилиб ўқиш мумкин дейдилар.

Ҳанафий уламолар эса бу фикрга қўшилмайдилар. Уларнинг бундоқ йўл тутишларига ўз далиллари бор:

1. Намозларнинг вақти кучли мутавотир хабарлар ила собит бўлган. Ўша хабарларда бир намозни бошқасининг вақтида ўқиш мумкин, дейилмаган. Икки намозни жам қилиш ҳақидаги ривоят-лар эса кучли мутавотир эмас, оҳод йўл билан собит. Шунинг учун кучсиз ривоятни ушлаб, кучли ривоятда келган ҳукмни ўзгартириш яхши эмас.

2. Имом Бухорий ва Имом Муслимлар қилган ривоятда ҳазрати Абдуллоҳ ибн Масъуд қуйидагиларни айтганлар:

«Ўзидан ўзга илоҳи маъбуд йўқ Аллоҳ ила қасам этаманки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч бир намозни ўз вақтидан бошқа вақтда ўқимаганлар. Бунда фақат икки намоз мустаснодир. Булар Пешин ва Аср ҳамда Шом ва Хуфтон на-мозларидир. У зот Пешин ва Аср намозларини Арофотда жам қилиб ўқиганлар. Шом ва Хуфтон намозларини эса Муздалифада жам қилиб ўқиганлар».

ШОМ ҚАСР ҚИЛИНМАЙДИ

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни юриш шошил-тириб турганда, Шомни кечиктириб уч ракъат ўқир, сўнгра салом берар эдилар. Кейин кўп ўтмай Хуфтонга иқома айтиб, уни икки ракъат қилиб ўқир, сўнгра салом берар эдилар. Хуфтондан кейин намоз ўқилмас, фақат кечаси ичида туриб ўқир эдилар». Бухорий ривоят қилган.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифда ҳам Шомни охири вақтида, Хуфтонни олдинги вақтига суриб суратий жам қилиб ўқиш ҳам, сафар шошилтириб турган пайтдагина жоиз эканлиги кўриниб турибди.

Иккинчидан, сарлавҳада айтилганидек, Шом намозини қаср қилмай, уч ракъат ҳолида ўқилиши баён қилинмоқда.

Учинчидан, Хуфтон намози тўрт ракъат ўрнига икки ракъат ўқилиши кўрсатилмоқда.

Тўртинчидан, баъзи кишилар, жумладан, ҳадиснинг ровийси ҳазрати Ибн Умар розияллоҳу анҳу «Хуфтондан кейин намоз ўқимас» эдилар, деган маънодан сафарда суннат намоз ўқилмайди, деган фикрга борганлар. Ҳозирда ҳам баъзи кишилар, фарз намозини қисқа қилиб ўқилгандан кейин, суннат ўқилмайди-да, дейишади.

Аммо жумҳур уламолар сафарда суннат намозларини ўқиш мустаҳабдир, дейдилар.

Ҳанафий уламолар эса агар мусофир киши омонлик ва хо-тиржамликда бўлса, суннат намозларини ўқийди, хавф-хатарда, шошилишда бўлса, ўқимайди, деганлар. Чунки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалар билан Бомдод намозида ухлаб қолишганда унинг суннатини ҳам қазо қилиб ўқишган.

Шунингдек, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккага борганларида Умму Ҳонеъ розияллоҳу анҳоникида «Зуҳро» намозини ўқиганлар ва улов устида доимо нафл намоз ўқиганлари маълум ва машҳур.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, сафарда юриб турганда суннат намозларни ўқимаса бўлади. Аммо жойлашиб олингандан кейин ўқилади. Мўътабар китобларда бу маъно ўн еттита саҳобийдан ривоят қилинган. Ҳанафий фикҳининг барча мўътабар китоблари буни зикр қилган.